



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат университети ректори

А.Х.Тошқулов

” _____ 2017 йил

“Абитуриентларнинг ҳужжатлар тўпламини қайтариб олиш учун электрон ариза бериш”
интерактив хизматининг намунавий регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1 Хизмат номланиши

Термиз давлат университетининг расмий веб-сайти орқали "Абитуриентларнинг ҳужжатлар тўпламини қайтариб олиш учун электрон ариза бериш"

1.2. Хизмат натижаси

Аризачига ҳужжатлар тўпламини буюртма почта орқали етказиб бериш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар

- Термиз давлат университети;
- "Ўзбекистон почтаси" АЖ.

1.4. Ҳуқуқий асослар

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” ги 393-сон қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникатсия технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Термиз давлат университетига кириш имтихонлари натижаларига кўра талабаликка тавсия этилмаган фуқаролар.

1.6. Бажариш муддатлари

Термиз давлат университети масъул ходими абитуриент маълумотларини текширгандан сўнг 2 (икки) кун ичида ҳужжатлар тўпламини “Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг энг яқин почта бўлимига жўнатади.
"Ўзбекистон почтаси" АЖ ҳужжатлар тўпламини 5 (беш) кундан кечиктирмаган ҳолда абитуриентнинг доимий рўйхатдан ўтган жойидаги энг яқин почта бўлимига етказилади.

2.1. Батафсил маълумот олиш

Термиз давлат университети расмий веб-сайти орқали.

2.2. Ҳизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Абитуриентнинг доимий рўйхатдан ўтган жойидаги тегишли почта бўлими ҳужжатлар тўпламини олиш жойи ҳисобланади.

3. Иш вақтлари ва муурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Ҳизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба - шанба куни соат 09⁰⁰ дан - 18⁰⁰ га қадар. Муурожаат дам олиш кунлари ёки байрам кунлари келиб тушган тақдирда уларни кўриб чиқиш кейинги иш кунидан бошланади.

3.2. Жавобни кутиш муддатлари

24 соат.

4. Ҳизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ). (Қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин).

4.2. Ҳизмат тўлови

Энг кам ойлик иш ҳақининг Термиз давлат университети томонидан белгиланган миқдорда % да кўрсатилсин.

4.3. Ҳизмат кўрсатиш босқичлари

Термиз давлат университетининг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
- "Интерактив хизматлар" бўлиmidан "Абитуриентларнинг ҳужжатлар тўпламини қайтариб олиш учун электрон ариза бериш" хизмати танланади:
- аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
- тўлов суммаси белгилангандан сўнг "тўловни амалга ошириш" функциясини танланади:
- автоматик равишда онлайн тўлов хизматини амалга оширувчи сайт саҳифасига ўтилади:
- сайтда банк пластик картасининг рақами (16 хонали) амал қилиш муддати. "СМС хабарнома" бириктирилган телефон рақами киритилади. Тўлов шартларига розилик билдирилади. "Тасдиқлаш" тугмаси босилади:
- телефонга келган тўлов амалга ошириш учун бир марталик СМС код киритилади:

4.4. Хизмат кўрсатишининг ички идоравий жараёни

Мурожаат келиб тушгандан сўнг Термиз давлат университети масъул ходими:

- абитуриент маълумотларининг тўғрилигини ва тўлов амалга оширилганлигини текширади;
- хужжатлар тўпламини "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг тегишли почта бўлимига жўнатади.
- "Ўзбекистон почтаси" АЖ хужжатлар тўпламини абитуриентнинг доимий рўйхатдан ўтган жойидаги энг яқин почта бўлимига етказди.

4.5. Рад этиш сабаблари

Ҳақиқий бўлмаган маълумотларнинг тақдим этилиши.

5. Хизмат кўрсатиш сифати

5.1. Шикоят аризасини бериш тартиби .

Рад этиш ҳолларида фойдаланувчи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиши мумкин.

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ўқув ишлари бўйича проректор



Ў.Ч.Ахмедов


“ ” 2017 й

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ахборот технологиялари

маркази бошлиғи



Х.А.Чориев

“ 10 ” 11 2017 й